

ЎЗБЕКИСТОН – КОРЕЯ: РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ҲАМКОРЛИҚДА РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Тошкентда Ўзбекистон – Корея Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт ҳамкорлик марказининг очилиши маросими бўлиб ўтди.

Маросимда Корея Республикаси давлат бошқаруви ва хавфсизлик вазири ўринбосари Юн Жон Ин бошчилигидаги делегация ҳам иштирок этди.

2019 йил 17 декабрь куни Кореянинг Сежон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва Корея Республикаси Давлат бошқаруви ва хавфсизлиги вазири ўринбосари Жанубий Корея томонидан 3 йил муддатга 2 миллион АКШ доллари миқдорига грант ажратилиши белгиланган эди.

Ҳамкорлик маркази рақамли иқтисодиётга йўналтирилган бўлиб, Ўзбекистон ҳукуматининг давлат хизматлари сифатини жаҳон стандартлари даражасига кўтарish мақсадида тўла мос келади, – деди Юн Жон Ин.

Биз юқори технологиялар соҳасида эришган ютуқларимизни баҳам кўришга қарор қилдик. Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасида Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилаётганимиздан мамнунмиз. Марказнинг асосий вазифаси мамлакатимизда Электрон ҳукумат тизимини таҳлил ва тадқиқотлар асосида ривожлантириш бўйича стратегик йўналишларни ишлаб чиқишдан иборат. Шунингдек, рақамли иқтисодиётни тақомиллаштириш, ахборот тизимларини жорий этишни мувофиқлаштириш, давлат хизматлари кўрсатиш сифатини оширишга қаратилган маркетинг ва инновацияларни тадқиқотлар ўтказиши, электрон тижорат соҳасида тадбиркорликни ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш марказ фаолияти сирасига кириди.

Тадбир доирасида Электрон ҳукумат соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича Ўзбекистон – Корея кенгашининг учрашуви ҳам бўлиб ўтди.

Учрашувда замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш, ўқув дастурларини ташкил этиш ва электрон ҳукумат соҳасида тажриба алмашиш, қўйма тадқиқотлар ўтказиши юзасидан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича келгуси режалар белгилаб олинди.

Саидмурод РАҲИМОВ

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИ – ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ КЎЗГУСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Телефон орқали ўтказилган сўров аҳолининг 61,5 фоизда Юртбошимизнинг коррупцияга қарши курашга алоҳида эътибор қаратгани катта таассурот қолдирганини кўрсатди. Фуқароларнинг фикрича, Президентимизнинг мамлакатда нафақат порахўрликка қарши курашадиган, балки коррупция жиноятларини эрта аниқлаш билан ҳам шугулланадиган коррупцияга қарши органини ташкил этиш тўғрисидаги қарори муҳим аҳамиятга эга. Телефон орқали ўтказилган сўров иштирокчилари давлатимиз раҳбарининг "жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, "халоллик ваққинаси" билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз" деган фикрларига тўла қўшилиши ва уни қўллаб-қувватлашини алоҳида қайд этган.

Президентимизнинг бизнес-муҳитни янада яхшилаш, жумладан, соддалаштирилган солиқ қонунчилиги ва солиқларни тўлаш муддатини узайтириш ёки бўлиб-бўлиб тўлашга руҳсат бериш бўйича энгиллаштирилган механизмларни жорий этиш, тадбиркорларга ички бозорда сотган махсулоти бўйича қўшилган қиймат солиғининг бир қисmini қайтариш тартибининг жорий этиш бўйича ташаббуслари сўров қатнашчиларининг алоҳида эътирофига сазовор бўлди. Фуқаролар шунингдек, лицензиялаш ва руҳсатнома бериш ҳамда корхоналар фаолиятига молиявий-хўжалик тегишли қўйиш тартибига солишга йўналтирилган чора-тадбирларни ҳам қўллаб-қувватлайди.

58,9 фоиз фуқароларнинг фикрича, илм-фан, маърифат ва инновацияларни ривожлантириш, ислохотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юратадиган, билимли ва малакали кадрларнинг янги авлодини тарбиялаш бўйича чора-тадбирлар устувор йўналишлардан ҳисобланади. Шунингдек, Президентимизнинг ёшларни олий таълим билан қамраб олиш ва давлат грантлари ҳисобига таълим оладиганлар улушини икки баравар оширишга доир тақлифи аҳоли ўртасида алоҳида эътирофга сазовор бўлди.

Сўровда иштирок этган 56,3 фоиз фуқароларнинг фикрича, давлатимиз раҳбарининг хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий фаолигини кучайтириш, турли соҳаларда уларнинг қоби-

лиятларини рўйбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига амал қилинишини таъминлашга йўналтирилган ташаббуслари ҳам муҳим аҳамиятга эга. 5,5 минг нафар хотин-қизнинг бизнес-лойиҳаларини амалга ошириш учун 100 миллиард сўм миқдорига имтиёзли кредит ажратилиши бу борада муҳим қадамлардан бўлади. Бундан ташқари, давлат 1576 нафар хотин-қизнинг янги турар жой харид қилишлари учун бошланғич бадални тўлаб беради.

Тадқиқот жараёнида 53,9 фоиз фуқаролар туризм, жумладан, зиёрат ва тиббий туризмни ривожлантириш бўйича вазифаларни қўллаб-қувватлашини билдирган. Сўров иштирокчилари Ўзбекистонда янги объектларни ЮНЕСКОнинг моддий ва номоддий маданий мерос рўйхатига киритиш зарурлигини тўла қўллаб-қувватлайди.

49,3 сўров қатнашчиларининг фикрича, давлатимиз раҳбарининг 1995 йилгача бўлган даврда мамлакатимизга ташриф бўлган қарийб 50 минг нафар фуқарога Ўзбекистон фуқаролигини бериш тўғрисидаги тақлифи алоҳида аҳамиятга эга.

Телефон орқали ўтказилган сўров иштирокчилари Президент фуқароларнинг соғлигини муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, тиббиёт ходимларига муносиб меҳнат шартларини яратиш ва уларнинг даромадларини ошириш, жамиятда уларнинг обрўсини мустаҳкамлашга муҳим эътибор қаратмоқда, деб ҳисоблайди. Фуқаролар давлатимиз раҳбарининг дори воситалари ҳаракатини назорат қилиш, контрафакт махсулотлар айланмасига чек қўйиш ва дориларнинг реал нархини кузатиб бориш тизимини яратишни жорий этиш зарурлиги ҳақидаги тақлифини қўллаб-қувватлайди.

Телефон орқали ўтказилган сўров 49,2 фоиз ўзбекистонликлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтириш, маҳаллаларнинг ўзаро ҳурмат ва бирдамлик муҳитини шакллантириш, миллий ва умуминсоний қадриятларни сақлаб қолиш ва ривожлантиришдаги аҳамияти ва нуфузини оширишга қаратилган чора-тадбирларни муҳим деб ҳисоблайди. Хусусан, сўров қатнашчилари маҳаллалар қуриш ва ободонлаштириш, йўл ва йўлаклар қуриш, янги сув

таъминоти тизимларини таъмирлаш ва ётқизиш, юртимизнинг чекка ва олис ҳудудларига газ қувурларини ўтказиш, аҳолини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш бўйича "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида амалга оширилаётган ишларни қўллаб-қувватлайди.

Телефон орқали ўтказилган сўров жараёнида 98,1 фоиз фуқаролар Президентимизнинг 2020 йилни Ўзбекистонда илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб эълон қилиш тўғрисидаги тақлифини тўла маъқуллайди ва қўллаб-қувватлайди. Сўровда қатнашганларнинг фикрича, рақамли технологияларни иқтисодиёт ва ижтимоий соҳага жадал жорий қилиш мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон халқи орасида юксак обрў ва ишончга эга. Ақсарият фуқаролар (93,6) мамлакат Президентига тўла ишонини билдирган ва Юртбошимизнинг Олий Мажлисига Мурожаатномасида белгиланган мақсадлар мамлакатимиздаги қўллаб соҳаларни янада ривожлантириш ва тақомиллаштиришга йўналтирилган, мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришлар фуқароларимиз ҳаётининг яхши томонига ўзгаришга таъсир қилган ишонди.

Умуман олганда, телефон орқали ўтказилган сўров Ўзбекистон фуқаролари Президентининг Мурожаатномасида тақдим этилган мамлакатимизни янада ислоҳ қилиш ва модернизациялаш бўйича стратегик курсни қўллаб-қувватлаш ҳамда Юртбошимиз раҳбарлиги остида Ўзбекистонни ривожлантириш, илмий ҳажмдор иқтисодиётни шакллантириш, санаят, транспорт соҳаси ва энергетикани жадал ривожлантириш, бизнес ва туризм, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар халқимиз салоҳиятини рўйбга чиқариши, уни давлатимиз фаровонлиги ва тараққиётини таъминлаб берадиган иш билан қамраб олишда янги имкониятларни тақдим этишига ишониларини кўрсатди.

"Ижтимоий фикр" маркази материаллари асосида М.АНИСИМОВА тайёрлади

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга масъул ташкилотлар кўп. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил – Бизнес-омбудсманнинг ўзига хос вазифа ва ваколатлари бор.

Вакил институти иқтисодиётимиз "локомотиви" бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўлида ўз салоҳиятидан янада самаралирок фойдаланишга интилади. Шу билан бирга, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлайди.

Мурожаатлар таҳлили нимадан далолат беради?

2019 йилда ташкилотга тадбиркорлардан жами 3 минг 202 мурожаат келиб тушди. Саъй-ҳаракатлар натижасида 2 минг 706 шикоятда кўтарилган масалалар ўз ечимини топди. Бу ўрганишлар давомида тадбиркорларни кўпроқ қандай муаммолар қийнаётгани хусусида муайян ҳулосалар чиқариш имконини берди. Мурожаатларнинг 33 фоизидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари (хатти-ҳаракатлари), 12,3 фоизиди ер ажратиш, 12 фоизидан назорат қилувчи органлар ва 10 фоизидан банклар фаолияти, 7 фоизидан солиқ соҳасига оид қонун ҳужжатлари, 6,3 фоизидан суд қарорлари ва уларнинг ижроси билан боғлиқ жараён ақс этган. Шунингдек, қолган 19,4 фоизидан бошқа турли йўналишдаги масалалар баён этилган.

Тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини тиклаш юзасидан 134 тақдимнома, 11 ҳулоса, 66 огоҳнома ва 138 маъмурий баённома расмийлаштирилиб, судларга юборилган. Таъсир чоралари натижасида мансабдор шахсларнинг 203 нафари интизоимий, 114 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди, давлат органлари ва ташкилотлари томонидан қонуний қабул қилинган 211 қарор бекор қилинди.

"TURON HOUSE" хусусий корхонаси қурилиш объекти қонуний тўхтатилганидан норози бўлиб Бизнес-омбудсманга шикоят қилган эди. Аниқлаштириш, Хоразм вилояти қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси томонидан мазкур корхонага 2018 йил 8 сентябрда қурилиш-монтаж ишларини бажаришга берилган 16-сон руҳсатнома 2019 йил 7 мартдан бекор қилиш бўйича қонуний қўрсатма киритилган. Бизнес-омбудсман Қурилиш вазирлигига ушбу масалага оид тақдимнома киритиб, қўрсатмани бекор қилди ва "TURON HOUSE" хусусий корхонасига қурилиш ишларини давом эттиришга руҳсат берилди.

Бундан ташқари, судларга тадбиркорлар манфаати ифодаланган 22,6 миллиард сўмлик 76 та даъво аризалари, назорат қилувчи органлар ва маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари қарорларини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги аризалар киритилди. 21 миллиард сўмга тенг даъво аризалари хусусий сектор вакиллари фойдасига хал этилди, 18 қарор қонуний, деб топилди. Қолган аризалар ҳам тегишли ташкилотлар томонидан қўриб чиқилмапти.

Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган "TABASSUM MIR" масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган 1 миллиард 200 миллион сўмлик бино давлат ва жамоат эҳти-

ёжлари учун бузилиб, мулк ўрнига компенсация тўловлари тўланмаган. Ҳолат бўйича Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил томонидан МЧЖ фойдасига Тошкент шаҳар ҳокимлигининг компенсация ундириш ҳамда ер майдонидан ажратиб мажбурий яттишни юзасидан Тошкент туманларо судига даъво аризаси киритилди. Мазкур талаб суд томонидан тўлиқ қаноатлантирилди.

Технологияларни ишлаштириш бўйича амалий ёрдам бериш

Ишбилармонларни ташвишлантираётган турли муаммолар орасида хорижий технология линияларни ўрнатиш, ишлаштириш билан боғлиқ қийинчиликлар ҳам бор. Президентимиз ташаббуси билан Бизнес-омбудсман раҳбарлигида тузилган ишчи гуруҳлар тадбиркорлар билан учрашиб, технология усуни ва дастгоҳларни ишга туширишда уларга

хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш ишлари мутлақо ўтказилмади, тадбиркорлик субъектларида фақат келишиш ва хабардор этиш тартибидagi текширишлар амалга оширилди.

2019 йилнинг 1 апрелидан текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизими тўлиқ ишга туширилди. Назорат қилувчи органлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг қонунбузилиши ҳолатлари ҳақидаги мурожаатлари асосида жами 1 минг 248 хусусий корхонада текширув ўтказиш бўйича бюуртмалар келиб тушган. Улардан 58 фоизи келишиш ва 42 фоизи текширув ўтказиш учун етарли асослар мавжуд бўлмагани сабабли рад этилди. Вакил девоми тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказилган текширувларни мувофиқлаштириш ва назорат қилувчи органлар томонидан текширувлар ўтказилишининг қонунийлиги устидан доимий назорат ўрнатди.

БИЗНЕС-ОМБУДСМАН: ТАДБИРКОРНИ ЭШИТИШ ВА АМАЛИЙ ЁРДАМ БЕРИШ – ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

кўмаклашмоқда. Жумладан, жойлардаги 2016-2019 йилларда импорт қилинган технология ускуналардан фойдаланиш ҳолати ўрганилди ва 453 тадбиркорлик субъектида хориждан келтирилган дастгоҳларни ишга тушириш борасида муаммолар борлиги аниқланди. 420 корхонада шу йўналишдаги қийинчиликлар бартараф қилинди. Қолган субъектларда ҳам бу борада тизимли ишлар олиб борилаёпти.

Эътиборлиси, 2019 йил 1 августидан буён мамлакатимиздаги 2 минг 52 тадбиркорлик субъекти томонидан 315 миллион долларлик техник ускуналар импорт қилинган. Шундан 1 минг 317 ишбилармоннинг технология ускунаси ишга туширилиб, 25 минг 255 янги иш ўрни яратилди. Ҳисоб-китобларга кўра, мазкур корхоналарнинг йиллик ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) ҳажми 3,7 триллион сўмни, экспорт ҳажми эса 187 миллион долларни ташкил этади.

Текширувлар қонунийлигини таъминлаш йўлида

Президентимизнинг 2018 йил 22 январдаги "2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини" Фаол тадбиркорлик, инновацион гошлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисидаги Фармонида асосан тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текширишга икки йил муддатга мораторий эълон қилинганини таъкидлаш жоиз. Шу асосда тадбиркорларнинг молия-

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асосан аралашувларга чек қўйиш, текширишларнинг қонуний ўтказилишини таъминлаш мақсадида Бизнес-омбудсман томонидан республикамизнинг барча ҳудудларида назорат қилувчи органларнинг текширишлар ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган ходимлари учун махсус ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда.

47 мингдан зиёд тадбиркор фаолияти тикланди

Фаолият кўрсатмаётган тадбиркорлик субъектлари сонини камайитириш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Бизнес-омбудсман ҳокимликлар билан бирга фаолиятини тўхтатган тадбиркорлар билан жойларда учрашувлар ташкил қилиб, улар фаолиятини тиклаш чораларини кўрмоқда. Мамлакатимизда 2019 йилнинг 1 декабрь ҳолатига 761 минг 248 тадбиркор (437 минг 194 юридик шахс ва 324 минг 54 яқка тартибдаги тадбиркор) рўйхатга олинган. Бизнес-омбудсман манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда 47 минг 304 тадбиркорнинг фаолияти тикланди. Шунингдек, ўтган йили ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, иши юришмаган ва фаолиятини тўхтатган ишбилармонлар билиминини ошириш мақсадида Ешлар иттифоқи бўлималари ва ҳокимликлар билан биргаликда Андалар, Наманган ва Тошкент вилояти туманларида бир қанча семинар-тренинглар ўтказилди. Мазкур тадбирларда иқтисодий олимлар, тажрибали, муваффақиятларга эришган тадбиркорлар ҳам қатнашгани эътиборга молик.

Қонунларни тақомиллаштириш – долзарб вазифа

Бизнес-омбудсман ва унинг ҳудудлардаги ходимлари республикамизнинг барча туман ва шаҳарларида тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказди. Мулоқотларда қатор муаммолар, жумладан, бюрократик тўсиқларни бартараф этишга доир тақлиф ва тавсиялар қизгин муҳокама қилинди. Шу сингари тадбирларда ишбилармонлик соҳасига таллуқли 100 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг юридик-техник, иқтисодий ва тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш жиҳатидан мақсадга мувофиқлиги бўйича 300 дан зиёд тақлиф олинди. Қабул қилинган 10 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат ана шу тақлифлар ўз ақсини топганини қайд этиш лозим. Мисол учун, хусусий сектор вакиллари хоҳиш-истаклари асосида Бизнес-омбудсман томонидан тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан тақомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилди. Улар асосида Президентимизнинг 2019 йил 14 майдаги "Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2019 йил 7 июндаги "Тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартиб-таомилларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонлари ва 2019 йил 23 августдаги "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари қабул қилинди.

Соҳага оид халқаро ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда

Бизнес-омбудсман хорижий мамлакатлардаги тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи тузилмалар, халқаро ташкилотлар, хорижий давлатларнинг бошқарув органлари ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан шугулланаётган бошқа институтлар вакиллари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Хусусан, Қозғистон, Россия ва Грузия Бизнес-омбудсманлари билан ҳамкорлик бўйича меморандумлар имзоланган. Шу каби келишувлар тадбиркорларимиз дуч келаятган айрим қийинчиликлар, жумладан, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда учраётган муаммоларини тезкорлик билан ҳал қилиш имконини беради.

Утган йили Буюк Британия, Жанубий Корея, Россия ва Япония энчиликлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатга хорижий инвестицияларни жалб қилиш, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бағишланган 15 дан ортиқ индивидуал учрашувлар ўтказилди. Шунингдек, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Жаҳон Банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти, Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги ва бошқа халқаро ташкилотлар билан алоқалар ўрнатилди.

Дилмурод КОСИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил – Бизнес-омбудсман

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида замонавий "Magic City" маданият ва истироҳат боғи барпо этилмоқда.

МЎЪЖИЗАЛАР ШАҲРИ БУНЁД ЭТИЛМОҚДА

Бунёдкорлик ишлари икки босқичда амалга оширилмоқда. Биринчи босқичда 9 гектар майдонда океанариум, амфитеатр, кинотеатр, кўнгилочар уйингоҳ, эртанамо қаср, мусикали фаввора, автомобильлар тураргоҳи қурилади. Иккинчи босқичда 12 гектар ҳудудда болалар учун аттракционлар ва аквапарк бунёд этилади.

Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган улкан лойиҳа шу йилда очилиши кутилмоқда. Қуни кеча Hilton меҳмонхонасида ҳажми ва кўламига кўра Марказий Осиёда ягона бўлган замонавий ва юқори технология "Magic City" боғининг лойиҳасини тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида ўтказилган тақдимот маросимида "Magic City" бунёд этишда ҳамкорлик қилаётган дунёнинг йirik компаниялари ўз лойиҳаларини йиғилганлар эътиборига ҳавола қилишди.

Тадбирда "Magic City" боғининг номлашини гавдалантириладиган эртак қаҳрамонлари, уларнинг саргузаштлари ақс эттирилган мулътфильмлар ҳамда чоп этилган китоб-альбом ҳақида батафсил маълумот берилди.

"Polin Group" компанияси аквариумларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, бу соҳада бир қанча мамлакатларда лойиҳаларимизни амалга оширдик, – дейди туркиялик инвестор Башар Пакиш. – Тошкентдаги қурилиш соҳасида амалга оширилаётган бундай жўшқин янгилишларни қўриб "Magic City" каби катта проектда ҳам ўз лойиҳаларимиз билан иштирок этапмиз. Аквариумнинг умумий катталиги 4300 кв.м ва ундаги сув сийғими 1300 м3 бўлади. 20 метрдан ортиқ узунликдаги туннель аквариум ҳам қурилади. Унда сайр қилиб сув остида 700 турдаги 3 мингдан ортиқ балиқларни томоша қилиш ва дивинг хизматлари каби имкониятлар яратилади. Бу ерда инсонлар нафақат сайр қилиб, ҳордиқ чиқаришда балки қизилкарлик, интерактив маълумотларга ҳам эга бўлишади. Тошкентнинг ўзи жуда гўзал шаҳар лекин "Magic City" лойиҳаси эса нафақат Ўзбекистонда балки бутун қўшни мамлакатлар ичда ўзгача бир кўриниш ва янгилашни олиб кирадиган муҳим лойиҳалардан бири бўлишига ишонаман.

Дунёнинг 16 та давлатида 180 та супермаркет ҳамда гипермаркетларга эгаллик қилувчи "MAF Sargfour" компанияси (БАА), кўнгилочар ҳордиқ чиқариш лойиҳаларини амалга оширувчи "Sanderson Group" корпоратсияси (Австралия), 103 мамлакатда 3000 га яқин аквапарклар лойиҳаси устида ишлаган Туркиянинг "Polin Group" компанияси каби бир қатор йirik хорижий компаниялар тадбирнинг асосий меҳмонлари бўлишди.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларига кенг қулайликлар яратиш, экспортни рағбатлантириш, импортни оптималлаштириш, мамлакатда тадбиркорлик муҳитини яхшилаш, инвестицион ҳисобдорликни ошириш, божхона тартиб-таомилларини янада соддалаштириш ва тақомиллаштириш, шаффофликни таъминлаш бўйича қатор ислохотлар амалга оширилмоқда.

Қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тадбиркорлар учун янги имконият ва эркинликлар яратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 апрелдаги "Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда маъмурий тартиб-таомилларни янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилиниши бу борадаги ислохотларнинг ёрқин далилидир.

Янги ўзгаришга кўра, 2020 йил 1 январдан бошлаб, экспорт-импорт операциялари учун зарур руҳсатнома ва сертификатларнинг "Ягона дарча" божхона ахборот тизими орқали электрон шаклда олиниши йўлга қўйилади.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ҳамда ташқи иқтисодий фаолият божхона постларида тақимот семинар-тренинглар ташкил этилиб, ушбу тизимнинг имкониятлари ва ундан фойдаланиш тартиблари ҳақида тадбиркорларга етказилмоқда.

Навбатдаги тадбир "Арқ-булоқ" ташқи иқтисодий фаолият божхона постида ташкил этилди. Унда "Ягона дарча" божхона ахборот тизими www.singlewindow.uz интернет манзили орқали ишлаши, унинг афзалликлари, шунингдек, божхона соҳасида янги қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари мазмун-моҳияти бўйича тушунтиришлар берилиб, тадбиркорларга эндиликда ушбу тизим орқали божхона қонунчилиги талаблари ва тариф ставкалари тўғрисида аввалдан маълумотга эга бўлиш, божхона расмийлаштирувчи талаб этиладиган сертификат ва руҳсатномаларни олиш учун ваколатли идораларга электрон ариза бериб, улардан электрон жавоб олиш имкониятлари яратилганлиги юзасидан маълумотлар берилди.

Тадбир якунида тизимнинг тўлиқ ишлаши учун божхона органлари масъул эканлиги таъкидланиб, божхона қонунбузилиши ҳолатлари бўйича Давлат божхона кўмитасининг 11-08 ҳамда Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг (71) 120-76-76 рақамли ишонч телефонларига мурожаат қилиш мумкинлиги айтиб ўтилди.

Шу билан бирга йиғил

Ҳиндистон тараққиётида илм-фан ва технологияларнинг ўрни беқиёс. Ушбу соҳаларга эътибор натижасида Ҳиндистон 2005- йиллардаёқ дунёнинг саноати ривожланган аграр-индустриал давлатларидан бирига айланган эди. Кейинги вақтларда инглиз тилида сўзлашувчи мутахассислари кўплиги туфайли бу мамлакатда халқаро корпорациялар сони йилдан-йилга ортмоқда. Бой тарих, улкан иқтисодий салоҳиятга эга, маданияти, миллий анъаналари чуқур илдиз отган Ҳиндистондек давлат билан яқин ҳамкорлик Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидандир.

Таъкидлаш жоизки, Ҳиндистон билан Марказий Осиё халқлари азалдан ўзаро савдо-сотиқ қилиб келган. Жумладан, ўзбек ва ҳинд халқлари ўртасидаги иқтисодий-иҷтимоий, маданий алоқалар тарихи жуда қадим даврларга бориб тақалади. 1966 йил 10 январда Тошкент декларацияси қабул қилингандан кейин Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги қонли урушга чек қўйилгани тарихий воқеа бўлган эди. Бу каби алоқалар Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин янада кенгайдди.

Икки давлат ўртасида иқтисодий ҳамкорлик ривожидида ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси алоҳида ўрин эгаллайди. Зеро, Ҳиндистон бугунги кунда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришда дунёнинг етакчи давлатларидан биридир.

Ушбу мамлакатда АКТнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 7,7 фоизни ташкил қилади. АКТ соҳасида кадрлар тайёрлаш даражаси ҳам юқори рейтингларда баҳоланади. Ўзбекистон учун Ҳиндистон билан ушбу йўналишдаги ҳамкорлик соҳани замон талаблари даражасида ривожлантиришда муҳим омиллардан бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 30 сентябрь – 1 октябрь кунлари Ҳиндистонга давлат таширифи икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни амалий мазмун билан бойитиб, стратегик шериклики янги босқичга олиб чиқди. Таширф натижасида туризм, қишлоқ хўжалиги, фан-техника, инновация, тиббиёт соҳаларида 20 га яқин битим ва келишувлар имзоланди. 2020 йилга келиб ўзаро савдо айланмасини 1 миллиард АҚШ доллариغا етказиш мўлжалланди.

Президентимиз таширфи натижасида Амрити университетининг Тошкентдаги филиали очилди. Шунингдек, мутахассислар алмашинуви, технопарклар таърифи ва таълим йўналишида ҳамкорлик, ҳиндлар таърибига таянган "электрон соғлиқни сақлаш", "электрон божхона", "электрон виза" каби электрон давлат хизматларини кўрсатишни жорий этиш мўлжалланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модининг тақлифига биноан, 2019 йил 17-18 январь кунлари ушбу мамлакатта таширф буюрди. "Жўшқин Гужарат – 2019" IX халқаро инвестиция саммитида иштирок этди. Ушбу амалий таширф Осмённинг қудратли давлатларидан бири Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги тарихий муносабатларни янги босқичга кўтаришга яна бир муҳим қадам бўлди. Негаки, таширф давомидида Андижон вилоят-ҳинд эркин фармацевтика зонасини очиб, Андижон элбети билан Гужарат штати, Самарқанд билан Агра шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик ришталарини боғлаш, шунингдек, Шимол-Жануб халқаро транспорт коридорига Ўзбекистон қўшилиши борасида келишувга эришилди.

Ҳиндистондан нимани ўрганиш мумкин? Ҳиндистонни ахборот технологиялари соҳасида дунёда пешқадам, дедик. Сузимишнинг исботи сифатида бу мамлакатда АКТ йўналишида 4 миллионга яқин фуқаро меҳнат қилаётганини, ўтган йили шу соҳанинг ўзидан 185 миллиард АҚШ доллари миқдориди даромад олинганини айтиш киёф.

Қизғин шундаки, соҳага эътибор атиги 25-30 йил олгари бошланган эди. Ҳиндистон таърибасини ўрганган ҳолда, Ўзбекистон ҳам ахборот коммуникацияларини ривожлантириш сари дадил қадам ташлаётти. Жумладан, Тошкент ахборот технологиялари университети билан Деҳли технология университети, Ҳиндистон технология институти, Ҳиндистон илгор компьютер технологияларини ривожлантириш маркази (CDAC) ўртасида ҳамкорликка доир ўзаро аниқлашув меморандумлари имзоланган. Яна бир муҳим соҳа Электрон ҳуқуқат тизимини ривожлантириш маркази билан Ҳиндистондаги NIC информатика миллий маркази ўртасида ҳам алоқалар йўлга қўйилган.

Мамлакатимизда янги устувор тармок шаклланиши арафасида Ўзбекистон ва Ҳиндистон ҳуқуқатлари ўртасида космосдан тинчлик мақсадида фойдаланиш бўйича тузилган шартнома ҳам муҳим ҳужжатлар сирасидан. Космик тадқиқотларга иктисослашган ISRO таширати бу борада тадқи-

қотларни бошлаб юборган.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан Тошкентда дастлабки IT-Park ташкил қилинди. Ҳиндистонда IT-Parkларни бирлаштирган STPI (Software Technology Parks of India) Ҳиндистон дастурий маҳсулотлари ва технология парклари уюшмаси фаолият олиб боради. Ўзбекистонда 2019 йил январь ойида ўз фаолиятини бошлаган IT-Park инновация голярини амалга ошириш, соҳага етук мутахассислар тайёрлаш, умуман олганда, ахборот коммуникациялари соҳасида рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш орқали Ўзбекистон иқтисодиётига ўз хиссасини қўшишни мақсад қилган.

IT-Park ахборот технологиялари соҳасига алоқадор бўлган стартапларни фоя кўринишидан то прототип кўринишига қадам олиб келишга кўмаклашади. Энг катта мақсад Ўзбекистонда ахборот технологиялари йўналишида стартап лойиҳалари учун эко-муҳитни ривожлантиришдир.

Мазкур ташкилий ишларга бош-қош бўлган STPI уюшмаси (Ҳиндистон) мутахассиси Жаярам Партасарти фирмага кўра, IT-Park таркиби куйидагича тузилган: инкубация ва акселерация дастурлари; давлат жамғармалари ҳисобидан шакллантирилган венчур молиялаштириш ва хусусий инвесторлар; IT-мутахассислари тайёрловчи IT-академия; замонавий, қулай коворкинг майдонлари ва офислар; буюғлар ва маркетинг хизматлари.

Иштирокчилар уч ой ичида ўз ишланмаларини синаб кўриш имконига эга бўлади. IT-Park дастурларида талабдор стартапларлар сакхизта йўналишдан бирини танлаб катнашишлари мумкин. Ана шу ишга бош-қош бўлаётган Инно-

ни яратиш билан шугулланади. Компаниялар қанақа интелектуал маҳсулот ишлаб чиқаради ва бозори қаерда? ЯИМ-даги улуши борми, деган саволларга ҳануз жавоб йўқ. Демак, бу истиқболли соҳага шарт-шароит ва имтиёзлар етарли бўлишига қарамай, катта имкониятдан фойдалана олма-яймиз.

Ҳамкорликнинг янги йўналишлари Президентимиз парламента Мурожаатномасида иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашни назарда тутадиган Рақамли иқтисодиёт миллий концепциясини ишлаб чиқиш, шу асосда "Рақамли Ўзбекистон – 2030" дастурини ҳаётга татбиқ этиш, ахборот технологиялари асосида банк тизимини ривожлантириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиб, давлатимиз чегара хавфсизлигини кучайтириш ва назорат сифатини ошириш, умуман, илмий ёндашувлар асосида қатор соҳаларга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш вазифаларини белгилаб берган эди. Ҳиндистоннинг АКТ борасидаги таърибасини ўрганиш бу борадаги вазифаларни сифатли ва самарали амалга оширишда айни мuddаодир.

Тошкент ахборот технологиялари университети қошида Ж.Неру номидаги Ўзбекистон – Ҳиндистон ахборот технологиялари маркази 2005 йилдан бери фаолият олиб бормоқда. Марказ фаолиятини ривожлантириш бўйича Ҳиндистондаги ҳамкор ташкилот CDAC (Илгор ахборот технологиялари ўқув маркази) билан ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, малакали ўқитувчиларни ишга тақлим қилиш, университет ўқитувчиларининг малакасини ошириш имконияти мавжуд.

Тошкент шаҳар Олмазор туманида Лал Баходур Шастри номидаги 24-умумтаълим мактаби ҳинд тилини ўқураштириб ўқишга иктисослашган. Икки томонлама ўз-ўзига таъминлаш мақсадида ўқувчиларга чет тилларни ўргатиш, ахборот коммуникация ҳамда илгор педагогик технологиялардан фойдаланиш йўналишида Ҳиндистон Республикасининг етакчи таълим муассасаларида амалиёт ўтатиш, ўзаро таъриб алмашиши бўйича яқин ҳамкорлик ташкил этилган.

Инновация ривожланиш вазирлиги делегациясининг Ҳиндистоннинг Гужарат штатига сафари доирасида қатор лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида Natural Storage Solutions Pvt. Ltd., Nath Bio-Genes, Paragon Irrigation Pvt. Ltd. ва бошқа компаниялар билан аниқлашув меморандумлари имзоланди. Natural Storage Solutions Pvt. Ltd. компанияси билан инновация технологиялари асосида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйишга келишилди. Мазкур лойиҳа бўйича инновация технологиялари асосида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган завод қурилиши режалаштирилган.

Хулоса ўрнида

Фан, бу – пулни билимга айлантирадиган, инновация – билимни пулга айлантирадиган жараён. Ахборот технологиялари ушбу жараённи тезлаштирувчи восита. Ушбу олтин қоридани яхши тушушган Ҳиндистон ҳуқуқати сўнги ўн йилликда асосан илм-фан, технологияларга эътиборни кучайтира бошлаган. Бир олимга илмий адабиётлар сотиб олиш учун сарфланган маблағлар миқдори бўйича улар ҳатто Хитойни орта қолдирмоқда (Хитойда – 159 АҚШ доллари, Ҳиндистонда – 510 АҚШ доллари).

Шуни таъкидлаш ўринлики, Ҳиндистон иқтисодий салоҳияти бўйича 2018 йилда ЯИМ 2,85 триллион АҚШ долларини ташкил этиб, жаҳонда 7-ўринни эгаллади. Мамлакатда дунёнинг 18 фоиз аҳолиси яшайди. Фарб мамлакатлари прогнозига кўра, Ҳиндистон энг шиддатли ривожланувчи давлатлар қаторига кирди, йиллик ЯИМ кейинги икки йилда 7 фоиздан ошиб, ҳатто келажакда Хитойдан ҳам ўзб кетади, деган тахминлар айтилмоқда. Хитой, БАА, АҚШ, Европа Иттифоқи, Саудия Арабистони, Сингапур, Гонконг, Корея Республикаси бу давлатнинг "асосий" савдо ҳамкорлари ҳисобланади.

Олимларнинг фикрича, 2050 йилга келиб Ҳиндистон дунёдаги аҳолиси энг зич жойлашган мамлакатга айланади. Уша вақтда аҳолиси сони 1,6 миллиард бўлиши мумкин. Бу эса АҚШ ва Хитой биргаликда қўшиб ҳисоблагандаги кўрсаткичга тенг бўлади.

Ҳақиқатан ҳам, афсоналар ўлкаси, бугунда эса янги имкониятлари очилиб бораётган Ҳиндистон билан дўстлик, иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш Ўзбекистон учун фойдали бўлиб, ахборот технологиялари, дастурий таъминот ва фармацевтика каби устувор соҳаларга янги ёндашувларни шакллантириш ва ривожлантиришга ёрдам беради.

Бахтиёр ОМОНОВ,
Тошкент ахборот технологиялари университети доценти, сиёсий фанлар доктори

ЎЗБЕКИСТОН – ҲИНДИСТОН: УЛКАН ИСТИҚБОЛГА ЭГА ҲАМКОРЛИК

вацион ривожланиш вазирлигининг қўзлаган мақсади шуки, iCreate DevX компаниялари билан ҳамкорлик доирасида юртимизда ташкил этилган стартап компаниялари Ҳиндистонга ўз технологияларини таъриб қилиш имкониятига эга бўлади. Шу билан бирга, қўшма стартап лойиҳаларни ўзиди бирлаштирувчи "Технологик хаб"ни ташкил этишга келишилган. Асли, бу – дунё иқтисодий бозорларига кириб бориш йўли, дегани.

Ўзбекистонда ахборот коммуникациялари бозорини шакллантиришда Ҳиндистоннинг бой таърибаси кўл келади. Масалан, бу мамлакатда махсус давлат дастури асосида ахборот технологиялари соҳасидаги экспорт салоҳиятига эга компанияларга барча турдаги компьютер ва бошқа қурилмаларни божхона тўловисиз олиб кириш имконияти берилган. У аввалига STPI (Software and Technology Parks of India – Ҳиндистон дастурий маҳсулотлар ва технология парклари) орқали амалга оширилади ва буни IT соҳасида экспорт билан "шугулланувчи" компаниялар юридик шахслар учун солинадиган фойда солиғидан озод этилди. Ахборот технологияларини иқтисодиётда ўз муносиб ўрнини толғаш, Ҳиндистон ҳуқуқати турли тузилмалар, жумладан, стартап фондларини яратиш орқали стартап лойиҳаларга кўпроқ эътибор қаратмоқда.

Жамғарма ташкил қилиш, ундан стартапларни реализация қилишда фойдаланиш Ҳиндистонда 5 йил олдин йўлга қўйилган. Ахборот технологияларида юқори натижаларга эришиш, масалан, стартапларни реализация қилиш учун маблағ асосий роль ўйнамайди. Тизимли ёндашув ва тўғри бошқарув орқали бошланган ислохот ўз ортидан маблағни ҳам олиб келади, деб ҳисоблайди мутахассислар.

Ўзбекистонда IT тармоғи ривожига асосий тўсиқ шуки, бизда IT-бозорнинг чуқур таҳлили ва мониторингини ўтказилмайдми. Статистика қўмитасига кўра, юртимизда 7 миңдан ортик IT тузилмалар бўлиб, улар асосан веб-дастурлар, бизнес жараёнларини автоматлаштириш, тўлов тизимлари-

Тошкент шаҳар ҳокимининг ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ҚАБРИСТОНЛАРИДА МАРОСИМ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН ПУЛЛИК ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ ТАРИФЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда), "Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2010 йил, 52-сон, 508-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 4 апрелидаги 101-сон қарори билан тасдиқланган "Дафн этиш жойларини сақлаш, улардан фойдаланиш ва қабр усти ёдгорликларини ўрнатиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 8-банди ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2011 йил, 14-сон, 138-модда), Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси ҳузуридаги Фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармасининг 2019 йил 19 декабрдаги 425/01-сонли мурожаатини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тошкент шаҳри қабристонларида гўр қазиш ва маросим хизматлари учун пулли хизмат кўрсатиш тарифлари иловага мувофиқ белгилансин.
2. Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси (А.Ризашов), Фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармаси (С.Ибрагимов); мазкур қарор билан белгиланган Тошкент шаҳри қабристонларида гўр қазиш ва маросим хизматлари учун пулли хизмат кўрсатиш тарифлари Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудиди жойлашган Тошкент шаҳрига тегишли қабристонларда бир хилда қўлланиши ҳамда қўрнарли жойларга ўрнатилиши таъминлансин.
3. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2018 йил 03 майдаги "Тошкент шаҳри қабристонларида гўр қазиш ва маросим хизматлари учун пулли хизмат кўрсатиш тарифларини белгилаш тўғрисида"ги 708-сонли қарори ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
4. мазкур қарор "Тошкент оқшони" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.toshkent.uz веб-сайтга жойлаштирилсин таъминлансин.
5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қўра қиради.
6. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Д.Хидоятлов зиммасига юклатилсин.

Тошкент шаҳар ҳокими
Ж.Артиқходжаев

2020 йил 29 январь

Соғлом турмуш тарзи

НЕЧА ДАҚИҚА ЁКИ ҚАНЧА МАСОФА ЯЁВ ЮРАМИЗ?

Эҳтиёжларимизни техникалар ёрдамида бажариш даврида яшаётимиз. Бирон юмушни бажариш учун кўп ҳам уриниб ўтирмаймиз. Манзилимизга машина, метро, автобусда борамиз. Юқори қаватда лифтда кўтариламиз. Аксариятимиз кунни кабинетда, компьютер олдида ўтказамиз. Телевизорни пулт орқали бошқарамиз, хоналарни техника тозалайди, кирларни ҳам ювади.

Энди ўйлаб кўрин-а, бир кунда неча дақиқа ёки қанча масофа яёв юрган бўламиз? Хеч қанча, тўғрими? Ваҳоланки, камҳаракатликлик барча касалликларнинг бошланиши ҳисобланган экан. Мутахассисларнинг таъкидлашича, юриш инсон учун энг оддий ва фойдали машғулот бўлиб, кунига камда 30 дақиқа пиёда – секин юриш одамни тетиклаштиради, организмда қон айланишини яхшилаб, мияни тоза қилдириб билан тўйинтиради. Шунингдек, пиёда юриш овқат ҳазм қилиш системасига ҳам ижобий таъсир қилади.

– Серхаракатликлик – тоза ҳавода сайр қилиш, югуриш, энгил жисмоний юмушларни бажариш, маш қилиш, тўғри овқатланиш саломатликнинг олтин қондаларидир, – дейди тиббиёт фанлари доктори, профессор Гули Шайхова. – Мендан кўнчилик соғлом бўлиш, соғлом қариш ва узоқ умр кўриш учун нима қилиш керак, деб сўрашди. Уларга ҳам ана шу тавсияларни бераман.

Мунтазам равишда пиёда юришнинг юрак-қон томир касалликлари хавфини камайтириши, иммунитетини мустаҳкамлаши фанда кўп марта иботланган. Пиёда юриш, шунингдек, диабет, депрессия, йўғон ичак саратони, семизлик, бўғимлар касалликларининг олдини олишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шундай экан, нима сабабдан саломатлигимиз учун фойдали бўлган ушбу қондаларга амал қилмаймиз? Ахир янгилаётган Ўзбекистонда анҳор ва каналлар ёқасида барпо этилган йўлақлар, сайлгоҳлар, боғлар, хиёбонлар нафақат шаҳримиз кўрига кўрк қўшиш, балки халқимиз саломатлигини ўйлаб амалга оширилаётган лойиҳаларку.

Моҳигул ҚОСИМОВА

Реклама ва эълонлар

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" ДК томонидан Хидоятхўжаев Хамидхўжа Хотамхўжа ўғли номига Юнусобод тумани, О.Турсунов кўчаси, манзилида жойлашган Савдо ва маийш шохбачалари учун берилган 10:07:04:02:01:0055 рақами, N 2-1007-19-01049 реестр рақамли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги академик лицейи томонидан Абдухалилов Шаҳзод Файрат ўғли номига 2019-йилда берилган L № 379713 рақамли, рўйхат рақами 2502 бўлган дипломи ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Шайхонтоҳур тумани, Хромий 1-тор кўчаси, 3-ўй эгаси Джуроева Написа номига Шайхонтоҳур туман кадастр хизмати томонидан берилган уй план кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Мирзо Улугбек технология касб-хунар коллежи томонидан 2015-йилда Мухаммадиев Хусан Аюбхон ўғли номига берилган K № 4038663 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Мирзо Улугбек технология касб-хунар коллежи томонидан 2015-йилда Мухаммадиев Хасан Аюбхон ўғли номига берилган K № 4045503 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати" ДК томонидан Умаров Асрор Максудович номига Шайхонтоҳур тумани, Чорсу буюм бозори ҳудудиди жойлашган "356 – сонли Савдо дўкони" учун 2015 йил 14 апрелда берилган, (кадастр рақами 10:10:02:01:01:0510), (реестр рақами №10-165/2015) кадастр ҳужжатлари ва ер участкаси, бино-ишоотларга берилган TS 0095593 ва TS 0018928 сонли гувоҳномалари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент маданият коллежи томонидан 05.07.2004 йилда Ольмасова Нафиса Мусурманжановна номига берилган 1139-рақами билан рўйхатдан ўтказилган K № 064852-сонли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Республика иктисослаштирилган Педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази жамоаси марказ директори Дилором Аҳмедованинг акиси Исқандар Илхамович Мўқимжановнинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Учтепа туман ҳокимининг ахборот сиёсати бўйича маслаҳатчиси Тўра Тўраевнинг отаси вафоти муносабати билан Эргаш Тўраевнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.
Учтепа туман ҳокимлиги

ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING БОЖХОНА ИНСТИТУТИ 2020/2021 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН АБИТУРЕНТЛАР ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Давлат божхона қўмитасининг Божхона институтиди ўқиш мuddати 4 йил (казарма шароитида).

Ўқиш даврида курсантларга бепул махсус кийим-бош, ётоқхона ва озиқ-овқат билан таъминланадилар.

Курсантлар институтда ўқиш даври ҳақиқий ҳарбий хизматни ўташ мuddатларига кириртилади.

Курсантлар институтни битиргач, божхона органларида хизмат қиладилар.

Курсантлар институтда қуйидаги йўналишларда таълим олишлари мумкин, **божхона иши**

ва юриспруденция йўналишлари бўйича.

Танловда иштирок этиш шартлари куйидагича:

– умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими маълумотига эга бўлган;

– 17 дан 21 ёшгача (қабул йилининг 31 декабрига қадар, **17** ва **21** ёшга тўладиганлар), бўйи **165 см.** (қиз болалар **160 см.**) дан баланд ўғил ва қизлар;

– мuddатли ҳарбий хизматни ўтаган абитуриентлар 17 дан 25 ёшгача (қабул йилининг 31 декабрига қадар, **17** ва **25** ёшга тўладиганлар (захирадаги офицерлар бундан мустасно));

– жисмонан ва ақлдан соғлом бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари (доимий яшаш манзили **Тошкент шаҳрида бўлганлар**);

– мuddатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисмлар тавсияномасига эга бўлган абитуриентларга, тест синовларида улар тўплаган балларга имтиёзи берилмади;

– дастлабки танлов жараёнида, келгусида божхона органларида хизмат қилишга лойиқ деб топилган абитуриентлар танлов асосида, **5 июль** куни Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест синовларида иштирок этадилар, муваффақиятли ўтган абитуриентлар Божхона институтиди ўқиш учун қабул қилинадилар.

ДБК Божхона институтига ўқишга кириш истагини билдирган абитуриентлар ҳужжатлари **2020 йил 1 январдан 1 апрелга қадар, душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба, жума** кунлари соат **10.00** дан **12.00** гача. – **15.00** дан **17.00** гача Тошкент шаҳар божхона бошқармаси Кадрлар бўлими томонидан қабул қилинади.

Мурожаат учун телефонлар: (78) 120-76-76, ички (32-03, 32-05).

Манзил: Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор шох кўчаси 35-уй, Тошкент шаҳар божхона бошқармаси биноси.

"Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 20-моддасида судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захираси зарур билимга эга бўлган, етарли ҳаётий таърибага, бениқсон обрў-эътиборга эга юқори малакали юристлар орасидан ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик иктисослиги бўйича камда беш йиллик иш стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳисобига шакллантирилиши белгиланган.

СПОРТ УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТГА АЙЛАНМОҚДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига 2018 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2019 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Мурожаатномасида жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жисмоний тарбия ва спортни янада оммадаштираш борасида ҳам муҳим йўналишлар белгилаб берилган эди.

Давлатимиз раҳбари спортни жадал ривожлантириш, халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришган спортчиларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга катта аҳамият бериш зарурлигини таъкидлаб, ёшлар ўртасида спортни оммадаштираш мақсадида энг чекка туманларда ҳам болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини ташкил этишни асосий вазифалардан бири сифатида айтган эди.

Мурожаатномада 2020 йил Токиода ўтадиган ёзги Олимпиадада пухта тайёргарлик кўриш, келгусида ёзги Осиё ўйинларидан бирига мезбонлик қилиш бўйича истиқболли режа ишлаб чиқиш бўйича ҳам зарур топшириқлар берилган эди.

Ўтган вақт мобайнида ушбу топшириқлар ижросини ўз вақтида таъминлашга киришилди. Жумладан, соҳага инвестиция жалб қилиш мақсадида 2019 йилда марказлаштирилган манбалар ҳисобидан 69 лойиҳани амалга ошириш учун 307,7 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Натижада, умумий қиймати 422 миллиард сўмга тенг 53 объект фойдаланишга топширилди. Мазкур объектларнинг 29 қарори қабул қилинди. Тренерларнинг ойлиги 1,35 бараварга ошди, ўрта махсус маълумотли тренерлар сони 54 фоиздан 47,4 фоизга камайди, олий маълумотли тренерлар билан таъминлаш даражаси 55,8 фоизга етказилди.

Ўтган икки йилда 68 спорт иншоотида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди, фойдаланишга топширилди. Президентимизнинг 5 та муҳим ташаббуси доирасида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчилар сони 1 миллион 624 минг 143 нафарга ортиб, улар сони 2,7 миллионга етди.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш бўйича олий таълим муассасалари сони 3 тага, соҳа кадрларини малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш муассасалари сони 4 тага етказилди.

Хусусан, Самарқанд шаҳрида Россия давлат жисмоний тарбия, спорт, ёшлар ва туризм университети федерал давлат бюджети олий таъ-

лим муассасасининг филиали (футбол, баскетбол, теннис, волейбол, эшак эшиш, енгил атлетика, сузиш турлари бўйича 86 нафар талаба ўқимокда), Беларусь давлат жисмоний тарбия университети билан ҳамкорликдаги спортнинг гимнастика, футбол, баскетбол, теннис, волейбол, бокс, эркин кураш, юнон-рум кураши, дзюдо, самбо, енгил атлетика, таэквондо турлари бўйича қўшма жисмоний тарбия, спорт ва туризм факультети, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг Нукус филиали, Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказининг Нукус, Самарқанд ва Фарғона филиаллари ташкил этилди. Нуфузли спорт мусобақаларининг голиб ва совриндорларига 286 спорт мактаби ортиқча бириктирилди.

2020 йилда Токиода ўтказиладиган ёзги Олимпиада ва Паралимпия ўйинларига пухта тайёргарлик кўриш юзасидан спортнинг 25 тури бўйича йўлланмаларни қўлга киритиш учун Ўзбекистон миллий терма жамоа аъзоларидан 420 номзод спортчи танлаб олинди, спортчиларни муносиб тайёрлаш учун 13 хорижий мутахассис ва тренер жалб этилди, режалаштирилган ҳар бир спорт тури бўйича лицензияларнинг қўлга киритиш жараёнини ҳар 15 кунда муҳокама қилиб бориш тизими яратилди.

Айни пайтда 34 спортчи Олимпиада ва Паралимпия ўйинларига иштирок этиш учун йўлланма қўлга киритди. 2019 йилда қўлга киритилган йўлланмалар ичида аввалги Олимпиада ўйинларида қўлга киритилган йўлланмалардан фарқли равишда, Ўзбекистон тарихида илк бор велосипед спорти (шоссё) бўйича аёллар ўртасида Ольга Забелинска, замонавий бешкураш бўйича Алиса Фахрутдинова ва Александр Савин Олимпиада ўйинларида иштирок этиш учун йўлланма қўлга киритди. Шунингдек, ўзбек ва жаҳон спорти тарихида улкан муваффақиятларга эришган гимнастиканимиз Оксана Чусовитина фаолиятида саккизинчи бор, енгил атлетиканимиз Светлана Радзивиц эса тўртинчи бор Олимпиада ўйинлари иштирокчисига айланди.

Бир сўз билан айтганда, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш – буюк умуммиллий мақсад ва умумхалқ ҳаракатиға айланди.

Отабек ЭШМАМатов,
Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги матбуот хизмати раҳбари



АҲОЛИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ БИЛАН МУНТАЗАМ ШУҒУЛЛАНМОҚДА

Мамлакатимизда аҳоли ҳар томонлама соғлом бўлиши ва ўз саломатлигини янада яхшилашнинг энг самарали воситаси спорт ва жисмоний тарбия билан доимий шуғулланишидир.

Давлатимиз раҳбари янги парламентга қилган Мурожаатномасида ҳам аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш, уларнинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан шуғулланишини тўғри йўлга қўйиш кераклиги ҳақида тўхталиб ўтди.

Ўртимизнинг барча ҳудудларида аҳолининг оммавий спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланиши учун шaroитлар яратилмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида бир қатор самарали ишлар амалга оширилди.

Гарчи ушбу спорт мактаби болалар ва ўсмирларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиб, келгусида иқтидорли спортчи бўлиб вояга етиши учун фойдаланишга топширилган бўлса-да, мактаб маъмурияти шу ҳудуд яқинида яшайдиган инсонлар жисмоний тарбия билан шуғулланиши учун ҳам имкон яратган.

– Мактабимизда 15 га яқин спорт тури бўйича ташкил этилган тўғаракларда қарийб 800 нафар ўғил-қиз мунтазам шуғулланмоқда. Шундай бўлса-да, биз ҳудудимиздаги аҳоли саломатлигини янада яхшилаш мақсадида уларнинг спорт билан шуғулланиши учун шaroит қилиб берганмиз. – дейди мактаб директори Маълуми Мухамеджонов. – Президентимиз таъкидлаганларидек, аҳоли жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланиши, соғлом турмуш кечирishiга жалб этиш барчамизнинг энг муҳим вазифамиздир.

Мактаб замонавий спорт иншоотлари – очик футбол майдони, теннис кортлари, катта спорт зали, тиббиёт, ювенил ва кийим алмаштириш хоналари, маъмурий биноси ўз ичига олган.

Спорт тўғрисидаги фаолияти қатъий жадал асосида ташкил этилган бoис, жисмоний тарбия билан шуғуллангани келганлар, мактаб тарбияланувчиларининг машгулот жараёнидаги ҳаётини қўллайди. Эътиборлиси, машгулотлар жараёнида болалар ва ҳудуд аҳолиси саломатлиги тиббиёт ходимлари томонидан доимий назорат қилиб бoрилади.

Спорт мактаби ҳудудида қуз ва қиш мавсумларида ҳам аҳоли учун оммавий бадантарбия ва гимнастика машгулотларини ўтказишга эътибор қўйиб турилади.

– Мен бу масканга икки йилдан бундан қатнаймаман. Ҳар тонг ва кечки вақтда майдон бўйлаб югураман. Авваллари, ортиқча вақтда ўзимни холсиз сезардим. Ҳозир эса анча тетикман. Ҳатто кишиник совуқ кўнларида ҳам спорт билан шуғулланишни қанда қилмайман, – дейди Дилафрўз Абдуллаева. – Мен она бўлганим бoис, саломатлигимга доимо эътибор қаратишим лoзим. Оиламизда соғлом турмуш тарзи ҳукмрон. Турмуш ўртоғим ва фарзандлар ҳам спортга доимо ошно.

Амалга оширилган бундай ишлар туфайли спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланаётган ёшлар, хотин-қизлар сафи тобора кенгаймоқда.

Жавоҳир ТОШХУҲАЕВ

Ҳаммамизга маълумки, биз ўзбеклар жуда ҳам орзу-ҳавасли халқимиз. Дунёга фарзандимиз келмасиданоқ бешик, ақиқа, тўйлар ва бошқа удумларни ўтказишни ўйлаймиз ва бунинг учун сарполар йиғишни бошлаймиз.

Бирок, ривожланган мамлакатларга назар солсак, улар болаларини билим олиши, замонавий касб-ҳунар ўрганиши, жамиятда ўз йўлини топиб кетиши, ўз ўрнига эга бўлиши, бировга муҳтож бўлмаганлиги ҳақида қайғуради ва тегишли чораларни кўради.

Мустақиллик йилларида бундай ҳолатларни бартараф қилиш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. 1998 йил 28 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тўй-ҳашамларни тартибга солиш бўйича Фармони қабул қилинди, бундан келиб чиқиб, тарғибот ва ташвиқот ишлари амалга оширилди. Бироқ, ўз вақтида тегишли натижаларга олиб келган мазкур чора-тадбирлар йиллар ўтиб биров таъсирчанлигини йўқотди.

Бунинг оқибатида тўй ва бошқа маросимларга оид турли янги-янги удумлар, хусусан қиз-наварлар, севги тарихлари, чарлар, ота кўрди, сеп ёйди, куда чақирик, кувё чақирик ва бошқа удумлар кўпайиб кетди.

Натижада қанчадан-қанча одамлар озага қаноат қилмай, муносиб ишларини ташлаб ўзларини бозорга урмоқдалар, катта даромад излаб чет элларга ишлагани чиқиб кетмоқдалар. Афсуски айрим ҳолларда айнан мазкур “эзгу ғоя” сабаб оилалар ажралиб кетмоқда. Чунки бир ҳолатда хотин ўз эрини келгусида болаларини тўйини қилиш учун яқин пул топмасликда айблansa, бошқа ҳолатда катта даромад топаман деб чет элга чиқиб кетган эр у ердан ё касал ортириб кетмоқда ёки бошқа оила қуриб қолиб кетмоқда. Баъзи ҳолларда эса бир кунлик тўй қилиб орзу-ҳавас кўраман деб айрим аёллар одам савдоси қурбони бўлмоқдалар.

Баъзи ҳолларда тўй қиламан деб катта қарзлар олиб, кейинчалик қарз ботқоғига ботиб, ачинарлиси бу орада “яқин орзу-ҳавас билан қурилган” оила ажрашиб кетишга улгураятти.

Сўнгги вақтларда тўй ва бошқа маросимларни ўтказишдаги дабдабаозликлар халқимизнинг ҳақли равишда эътирозига сабаб бўлди десак муболага бўлмайди. Шунинг учун ҳам 2017 йил 3 август кунини Ўзбекистон иходкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузасида Президентимиз Ш.Мирзиёев қуйидагиларни таъкидлаб ўтган эдилар: “Жойларда бўлаётган учрашув ва муло-

қаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашилари, шунингдек, фуқаролар йиғинларида тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларнинг ўтказишларини тартибга солиш масалалари бўйича комиссиялар тузилди. Бироқ ўрганишлар таҳлили, шунинг-

ДАБДАБАДАН ХОЛИ БЎЛАЙЛИК

қотларда кўп-кўп одамлар менга айтаяпти. Виртуал қабулхонага ёзаяпти, “Тўй-маъракаларимизни бир тартибга солиб беринглар”, деб мурожаат қилаяпти. Ҳақиқатан ҳам, айни шу масала неча йиллар, ҳатто асрлардан бери кун тартибидан тўшмасдан келади. Мана, ўзинглар кўрпа-сизлар, соппа-соғ юрган айрим одамлар элиққа кирмасдан туриб тўсадан инсулът бўляпти, инфаркт бўляпти. Сабабини суриштирсангиз, бошқалардан қолмасликка тиришиб, катта тўй қиламан, деб қарзга ботган бўлади. Хали қарзидан қутулмасдан, яна тўй қилиши керак. Очигини айтганимиз бўлса, тўй-ҳашамлар билан боғлиқ ортиқча харажатлар минг-минглаб оилаларнинг нафақат иқтисодий аҳолига, балки, бутун ҳаётига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда. Бугун ҳаётимизда кўпайиб бораётган оилавий можоролар, уруш-жанжаллар, ажралишлар, қудалар ўртасидаги совуқчилик сабаблари ҳам ақсарият ҳолларда худди шу нарсалар бoиб тақалади.

Бундай салбий иллатларга барҳам бериш мақсадида Ўзбекистон Республи-

каси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашилари, шунингдек, фуқаролар йиғинларида тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларнинг ўтказишларини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”-ги Қўшма қарор қабул қилинди.

Мазкур Қўшма қарор билан “Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказишларини тартибга солиш тўғрисида”ги низом, “Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказишларини мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси ва унинг тарки-

би”, “Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ихчам ва тартибли ўтказишларини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар” дастури тасдиқланди.

Ушбу қарор билан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси, Ички ишлар вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Вазирлар Маъмаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа жамоат ташкилотларининг бажариши лoзим бўлган вазифалари аниқ белгилаб берилди.

Ўз навбатида айтиб ўтиш жоизки, бундай қарорларни кўп қабул қилишимиз мумкин, бироқ агар одамларни ўзини ишонтира олма эканмиз, онгу тафаккурини ўзгартира олма эканмиз, энг муҳими ақсарият жамоатчилигимиз бундай исрофгарчиликларга бир тан бир жон бўлиб қурашмас экан, фақатгина ҳуқуқий таъсир чоралари билан, керак бўлса юзта назоратчи қўйган билан вазият ўзгармай қолиш ҳавфи мавжуд бўлиб қолаверади. Чунки ҳар қандай ҳуқуқий нормани қўллаш ижтимоий муносабат бўлиб, фуқароларнинг фаол хатти-ҳаракатларига, қўллаб-қувватлашга таянади. Агар одамлар қабул қилинган қонунларни ишлашидан ўзлари манфаатдор бўлмасалар, фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар қулаб билан қўзланган мақсадга ҳар доим ҳам эришиб бўлмайди.

Хулоса қилиб айтганда, тўй-ҳашамларни тартибга солиш нафақат фуқароларимизнинг ортиқча харажатлардан халос этади, балки уларнинг ҳаётини ижобий ташкил қилиш, енгил нафас олиш, саломатлигини яхшилашнинг, фарзандларининг бир кунини эмас, балки келгуси бутун умр бахтли ҳаёт кечирishiларига сабаб бўлувчи илм, маънавият ва маърифатни ўзлаштиришларига олиб келади.

Муяссархон ИСМАТУЛЛАЕВА,
Тошкент шаҳар 2-сон “Шодлик”
Нихош уйи 2-тоғфали инспектори

ГЕРБАРИЙ — МАМЛАКАТИМИЗНИНГ НОЁБ ФОНДИ

Президентимизнинг 2018 йил 17 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ботаника институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида институтнинг ноёб илмий объекти — Ўзбекистон миллий гербарийси миллий аҳамиятга эга гербарий деб тан олинди. Бу бежизга эмас, албатта.

ЎзРФА Ботаника институти Миллий гербарий ноёб илмий марказида сақланаётган гербарий намуналари орасида бир асрга тенгдош ўсимликлар тури борки, улар табиатан асл ҳолати қаби сақланмоқда. Гулларнинг ранги, шакли, барглари, илдизлари оппоқ варакларда микродек акс этган гўё. Бу ноёб илмий объектида 1,5 миллиондан ортиқ гербарий намуналари сақланади. Шу боис, Ўзбекистон Миллий гербарийси Халқаро гербарийлар каталогига киритилган ноёб объект саналади.

1993 йил Санкт-Петербургда ЮНЕСКО томонидан гербарийларга бағишлаб ташкил этилган биринчи халқаро конференцияда Миллий гербарий жаҳон аҳамиятга молик гербарий, деб эълон қилинди. Марказий Осиёда биринчи, МДХ мамлакатлари орасида эса Санкт-Петербургдаги гербарийлардан кейин иккинчи, қитъамизда Хитой, Япония, Жанубий Корейдан кейин тўртинчи ўринда турадиган мамлакатимизнинг бебаҳо бойлиги нодир олтин фонддир.

Шу ўринда, Гербарий ўзи нима, деган савол туғилиши табиий. Гербарий — махсус усуллар билан йиғиб, қуритилган ўсимлик коллекцияси. Улардан илмий мақсадларда фойдаланилади. Жумладан, экология, табиат муҳофазаси билан боғлиқ масалаларни бартараф этишда, табиий ўсимлик ҳам ашёларидан оқилона фойдаланишда, “Қизил китоб”га киритилган муҳофазага муҳтож ўсимлик турларини назорат қилишда ишлатилади. Ёрликларга ўсимликнинг илмий ва маҳаллий номи, ўсган жойи, тупроғи, гербарий рақами, қачон ва ким аниқлагани, тергани, хуллас, айтайлик, бир гўё униб чиқиб, гербарийга айланганга қадар кечган барча жараён ҳақида аниқ маълумотлар ёзилади.

Мамлакатимиздаги Миллий гербарий Ўрта Осиё, Монголия, Хитой, Россия, Украинадан, ҳатто Шимолий Африка давлатларидан йиғиб, жамланган. Бу ҳудудлардаги тоғлар, қўллар, қиру адрилар, паствакчиллар, дарёлар, хуллас, инсон қадами етган барча ҳудудлардан йиғилган салкам 3 асрлик гербарийлар яқин сақланган.

Миллий Гербарий 4 бўлимга бўлинган. Биринчи бўлим — Марказий Осиё гербарийси асосан 125 оилга 1151 туркумга мансуб, 9 мингга яқин турни ўз ичига олади. Мазкур бўлимда ботаник олимларимизнинг номлари билан боғлиқ бўлган турлар мавжуд. Улар орасида Марказий Осиёнинг турли ҳудудларидан бир ярим асрдан ортиқ давр мобайнида, яъни, 1841 йилдан бошлаб қўллаб-тадқиқотчилар, жумладан, бир қатор чет эл олимлари томонидан йиғилган, ёрликлари инглиз, немис, рус, француз ва лотин тилларида ёзилган ўсимлик намуналари бор.

Иккинчи бўлим — Умумий гербарий 100 минг нусхадан зиёд бўлиб, асосан чет давлатлардан институт ходимлари йиғиб келган ва хориждан алмашлаб олинган гербарийлар 2293 туркумга мансуб 10 минг турни ташкил этади.

Учинчи бўлим — Типлар бўлими янгидан кашф этилган турларнинг биринчи нусхаси. 2000 нусха Ўрта Осиё ва Қозғистондан йиғилган бўлиб, 320 туркумга мансуб 1 минг 500 га яқин турни ўз ичига олади. Типларнинг коллекцияда тугган ўрни бениҳоят каттадир. Фақат типлар орқали тизимдаги ҳар қандай чалқаш, мунозарали ва ботаника номенклатураси қондаларининг асосланувчи мураккаб масалалари ҳал этилади. Бунда энг муҳим ноаниқ турни аниқлаш учун типларга мурожаат қилинади. Тўртинчи бўлим — Алмаштириладиган гербарийлар 1 минг 400 турдан иборат.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда Миллий гербарий ноёб илмий объектида институт илмий ходимлари томонидан инвентаризация ишлари олиб бoрилмоқда. Бунда махсус рақамланган шкафлардаги ноёб дурдоналар қайта қўриб чиқилиб, қайси туркум, турлардан қанча гербарий намунаси борлиги, улардан аниқланмаган турлар ўрганилиб, ҳисоб-китоб ишлари олиб бoрилмоқда. Бу ишлар ниҳоятга етган, Миллий Гербарийда қанча нусха борлиги аниқ бўлади. Яъни, биз айтган 1,5 миллион гербарий нусхаси балки 2 миллион, балки 2,5 миллион бўлиши эҳтимоли бор.

Бундан ташқари, ҳозирда гербарий намуналарини рақамли форматга ўтказиш ишлари бошланган. Ҳар битта намуна сканерланиб, рақамли форматга ўтказилади. Сўнгра унинг терилган нукталари Google махсус программа ситидан аниқланади. Шу тариха флора ўсимлик турлари ўзгариши, йўқолиши, пайдо бўлиши ҳамда кўпайиши жараёнини йиллар давомида кузатиш мумкин бўлади. Гербарийни бойитиш учун ҳар йили 1,5 минг донадан 3 мингтагача намуналар дала тадқиқотлари давомида йиғиб келтирилади.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Миллий гербарийси келажги, уни замон фани, талаблари даражасига келтириш ва янада такомиллаштириш борасида институт илмий ходимлари томонидан самарали ишлар амалга оширилмоқда. Миллий гербарийда янги бўлимлар ташкил этиш режалаштирилмоқда. Ўзбекистон Миллий гербарийси мамлакатимиз илм-фанининг ноёб илмий хазинаси ҳисобланади. Чунки бу нодир вараклардаги гўзаллик минг йиллардан сўзлагувчи мангуликка дахлдор оламдир.

Марҳамат МАТВАФӨЕВА,
ЎзРФА Ботаника институти катта илмий ходими

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ
Тошкент шаҳрида 1 февраль кунини ҳаво ўзарайб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шомол эсади. Ҳарорат кечаси — 1-3 даража илмик, кундузи — 12-14 даража илмик бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 1 февраль Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шaroити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.